

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

49-сон
(445)
2010 йил
13 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

452. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 декабрдаги 280-сон қарори
453. «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини босқичма-босқич жорий этиш муддатларини узайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 декабрдаги 284-сон қарори

454. «Томоша» болалар мусикий театр-студияси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 декабрдаги 285-сон қарори

Бешинчи бўлим

457. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 4 декабрдаги 18, 107-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-2*)
458. «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 6 ноябрдаги 36/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-1*)
459. «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалари (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 30 ноябрдаги 101, 105, 16-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1415-1*)
460. «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ банкининг 2010 йил 10 ноябрдаги 189-ҚҚ, 96, 233, 08-10/360-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1112-1*)
461. «Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 ноябрдаги 192-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2160*)

462. «Тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 23 ноябрдаги 191-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2161*)
463. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 13 ноябрдаги 37/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1552-2*)
464. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2010 йил 10 ноябрдаги 2010-21-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-3*)
465. «Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юртиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 13 ноябрдаги 37/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1685-1*)
466. «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 18 ноябрдаги 99, 01/11-18/10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1662-1*)
467. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2010 йил 15 ноябрдаги 103, 97-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2162*)
468. «Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқнома ва унга ки-

ритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 6 декабрдаги 200-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 330-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2010 йил 4 декабрдан 10 декабргача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

452 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонуни)

Меҳнат кодексига ва «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сонли Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 4-модда) билан тасдиқланган Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатига қуйидаги мазмундаги XII бўлим қўшилсин:

«XII. Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича қарзни ундириш

16. Ходимнинг зарарни бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда уни ихтиёрий қоплаш тўғрисидаги ёзма мажбурияти.

Ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) ходимнинг тўловнинг аниқ муддатлари кўрсатилган зарарни ихтиёрий қоплаш тўғрисидаги ёзма мажбуриятининг асл нусхаси;

б) етказилган зарарнинг тўланмаган қисми миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) ўзи етказган зарарни қоплашдан бош тортган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси;

г) қарздорнинг огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати билан бирга қарзни тўлаш ҳақида қарздорга берилган огоҳлантириш хатининг нусхаси».

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариат фаолияти билан шуғулланиш

ҳукукини берувчи лицензиялар бериш ва лицензия берганлик учун давлат божи тўлаш тартиби тўғрисида» 1997 йил 10 мартдаги 126-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1997 йил 7 августдаги 392-сон қарорига илованинг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.А. Муҳитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 декабрь,
280-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

453 Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини босқичма-босқич жорий этиш муддатларини узайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорининг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг автоматотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини босқичма-босқич жорий этиш муддатларини 2013 йил 1 январгача узайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «2011 йил 1 январгача» сўзлари «2013 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Б.А. Матлюбов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 декабрь,
284-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**454 «Томоша» болалар мусиқий театр-студияси фаолияти
тини ташкил қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ–1271-сон қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, мамлакатимизда иқтидорли ёш актёрлар фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида «Томоша» болалар мусиқий театр-студияси (кейинги ўринларда театр-студияси деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар театр-студиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болаларнинг санъатга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш, ижодий фаоллигини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш;

театр ва кўшиқ санъатининг мафтункор жозибаси воситасида, болалар маънавий оламини бойитиш, уларни ҳар тарафлама етук инсонлар бўлиб камол топишларига кўмаклашиш;

жаҳон классик мусикаси, маданияти ва санъатининг ёрқин намуналари билан таништириш ҳамда миллий мумтоз санъатимиз, халқ ижодиётининг серқирра жилолаларини болаларга ўргатиб, уларнинг дунёқарашларини бойитиш;

турли болалар фестиваллари, кўрик-танловлар, таниқли санъаткорлар билан учрашув ва анжуманлар ўтказиш;

иқтидорли ёшларни танлаб, уларни санъат оламига қадам қўйишлари учун кенг имкониятлар яратиш.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Тошкент вилояти ҳокимлиги балансидаги «Турон» ахборот-кутубхона маркази жойлаштирилган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилидаги бинонинг бир қисмини театр-студияси балансига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган «Турон» ахборот-кутубхона маркази жойлаштирилган бинонинг бир қисмини театр-студияси балансига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда театр-студиясининг ташкилий тузилмасини, штатлар жадвалини ҳамда уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

театр-студиясининг давлат рўйхатидан ўтказилишини, жойлаштирилишини ва малакали мутахассислар билан бутланишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Қурувчилар кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган «Уй қурилиш» маданият саройи биносининг Тошкент вилояти «Турон» ахборот-кутубхона марказига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилганлиги инobatга олинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, театр-студияси фаолиятини молиялаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, грантлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 мартдаги 99-ф-сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 декабрь,
285-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

457 **Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбир-
корлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспек-
циялари тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-2*

(2010 йил 14 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон «Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 382-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 05-20-401, 14 ва 01/23-55-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 1279, 2003 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 4 декабрь,
18-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Тошкент ш.,
2010 йил 4 декабрь,
107-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

458 Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-1

(2010 йил 16 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова), Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит уюшмалари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда) ва «Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 37-сон, 315-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги 114-сон «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 23-сон, 239-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори (рўйхат рақами 1815, 2008 йил, 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 20-21-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 ноябрь,
36/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил
6 ноябрдаги 36/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 7, 21 ва 28-бандлардаги «(2006 йил 23 июнь, рўйхат рақами 1586)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 2084, 2010 йил 1 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 71-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 38-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Кредит уюшмасини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган ёки Марказий банк Бошқарувининг кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш ёки амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори кредит уюшмаси раҳбариятига топширилган кундан бошлаб кредит уюшмасини тугатиш жараёни якунлангунча:

уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши, бошқа бошқарув органлари ва мансабдор шахсларининг ваколатлари тўхтатилади, шу жумладан уларнинг мулкни тасарруф этиш ва мажбуриятларни бажариш ҳуқуқлари бекор қилинади, кредит уюшмасини тугатиш ва тугатувчи таркибини тасдиқлаш мақсадларида аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ кенгаш ваколатлари бундан мустасно;».

3. 41-бандидаги «бир ёки бир нечта» деган сўзлар «камида иккита» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 48-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. 55-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«55. Номолиявий активларни (бинолар ва иншоотлар, транспорт воситалари, санъат асарлари, оргтехника, мебель, жихозлар ҳамда кредит уюшмасининг бошқа мулки) баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилади. Тугатувчи номолиявий активлар баҳоланганидан кейин потенциал ха-

ридорларга активлар сотилиши кўзда тутилаётганлиги ҳақида хабар беради ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит уюшмаси мулкани сотади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

459 «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалари (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1415-1*

(2010 йил 16 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 октябрь 2010 йилдаги 239-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2004 йил 23 августдаги 104, 40 ва 7-сон «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тар-

тиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1415, 2004 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон 432-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирази.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 ноябрь,
101-сон

Иқтисодиёт вазири

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 ноябрь,
105-сон

**Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Ж. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 ноябрь,
16-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИНИНГ
ҚАРОРИ

460 Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1112-1

(2010 йил 16 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) ва «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Халқ банки **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги 11/501, 32, 16 ва 8-сонли қарори (рўйхат рақами 1112, 2002 йил, 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 5-сон) билан тасдиқланган «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 10 ноябрь,
189-ҚҚ-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 10 ноябрь,
96-сон

**Республика «Маҳалла»
жамғармаси бошқаруви раиси**

А. АХМЕДОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 10 ноябрь,
233-сон

**Халқ банки
бошқаруви раиси**

Н. НАЗАРОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 10 ноябрь,
08-10/360-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

461 **Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходим-
лари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини
тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2160*

(2010 йил 16 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-
даги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта
кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳуку-
мати қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги
153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани яна-
да такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-
жатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **бую-
раман:**

1. Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳ-
натни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 ноябрь,
192-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2010 йил 27 ноябрдаги
192-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари
ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза
қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғларига (бундан кейинги ўринларда боғлар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Боғларда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Боғларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ боғларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;
меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;
меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга ошириш-
га доир ишларни бажариш;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида тўғри ўрганиб
чиқирилиши;
меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;
меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфла-
ниши.

7. Боғларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқлана-
ди) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш,
санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига ол-
ган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттеста-
ция қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва
билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини
юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ходимлар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий
минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-
номалари.

8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги
Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар
ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар ораси-
дан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий
этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналар-
да эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (ла-
возимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари микдо-
ри камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифала-
рини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра боғнинг асо-
сий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунди ҳамда
боғнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим
йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятларига киритилмаган бошқа
ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

11. Боғларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахт-
сиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юри-
тиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июн-
даги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари

тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

**2-§. Ходимларни ўқитиш, уларнинг билимларини
синовдан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ беришни
ташкил этиш**

12. Боғ ходимлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, уларнинг билимларини синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқ берилиши керак.

13. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда боғ ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш боғ раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

15. Боғлар ГОСТ 17.2.3.02-78 бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилиқ даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

16. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ҳамда меҳнат жараёнининг хавфли ва зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроклим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғир шароитлари аттестация қилиш орқали белгиланиши лозим.

17. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёки янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда хавфли ва зарарли омиллар тўғрисидаги маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

**4-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя
воситаларини қўллаш**

18. Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш белгиланган стандартлар ва меъёрлар талабларига мос

жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

19. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари хонадаги барча ходимларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва боғларни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

20. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини рухсат этилган миқдоргача камайитириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз ходимларнинг ишга жалб қилиниши тақиқланади.

21. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларни қўллаши, ҳимоя хусусиятлари ва амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши лозим.

22. Боғ ходимлари махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг меъёрларига мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

5-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати

23. Боғ ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

24. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топшириғини олишдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни бажариш усулларини ўзлаштириб олиши шарт.

25. Ўта хавфли ишларни бажариш, фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

26. Боғ раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва хавфсиз бажаришда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига тўла жавобгардир.

6-§. Касбий танлов

27. Боғларда танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

28. Ходимлар, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

29. Босим остида ишловчи ускуналар ва хавфи юқори бўлган ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

30. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

31. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 1-сон) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмайди.

7-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

32. Боғларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

33. Боғ раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши лозим.

34. Тиббий кўриклар боғнинг тиббий муассасаларида, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилиши лозим.

35. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий кўрик натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда ушбу ходим ишга қўйилиши мумкин эмас.

36. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик боғ раҳбарияти зиммасига юкланади.

37. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

8-§. Боғ майдонларига бўлган хавфсизлик талаблари

38. Боғ майдонлари ва биноларининг жойлашуви ҚМҚ II 89-80 «Санот ат ташкилотларини бош плани» талабига мос бўлиши керак.

39. Боғда транспорт воситаларини ва пиёдаларни боғ ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

40. Транспорт воситалари ва боғ ҳудудида пиёдаларнинг ҳаракати чиз-

маси боғга кириш ва чиқиш ҳамда иш участкалари ва цехларнинг кўринарли жойларига осиб қўйилиши керак.

41. Боғ майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қуйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши лозим.

42. Боғ майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

43. Йилнинг ёз вақтида йўлаклар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши лозим.

9-§. Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари

44. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҚМҚ 2.09.02-85 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

45. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

46. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг (ҳарорати, нисбий намлиги, ҳавони ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) микроклими ГОСТ 12.1.005-88 талабига жавоб бериши керак.

47. Нам хоналарда ҳамда иссиқ ўтказувчи полларда (бетонли, ғиштли, плитали ва бошқалар) мунтазам ишлашга мўлжалланган иш жойларида ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши керак.

48. Пол тўшамалари зарарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги кирлар ва чанглардан енгил тозаланган бўлиши керак.

49. Бинога транспорт воситаларини кириш жойлари дарвозалар ва сигнал асбоб ва ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

50. Дарвоза тавақалари ёпиқ ва очиқ ҳолатида махсус мосламалар мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак.

51. Транспорт воситаларини бинога кириши учун дарвоза эни фойдаланилаётган транспорт воситалари эни миқдоридан ошиқ бўлиши керак.

52. Дарвозалар баландлиги транспорт воситасининг баландлигидан камида 0,2 м дан ошиқ бўлиши керак.

53. Боғларда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.

54. Барча ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари бир йилда икки мартадан (баҳор ва кузда) кам бўлмаган ҳолда боғ раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан техник кўрикдан ўтказилиши лозим. Техник кўрик хулосалари, уларда топилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва муддати кўрсатилган далолатномалар орқали расмийлаштирилиши керак.

55. Ходимлар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тезда бартараф этилиши керак. Хавфли ҳудудларда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳалокат бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилиши лозим, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.

10-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

56. Ишлаб чиқариш хоналарини табиий ва сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мос бўлиши лозим.

57. Авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларини уланиши тақиқланади. Авария ёритишларни созлиги ҳар чоракда камида бир марта текширилиши лозим.

58. Ёритиш воситалари тоза ва соз ҳолатда бўлиши керак. Ёруғ тушувчи ойналарни йилда камида икки маротаба тозалаш лозим.

59. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни турли предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) тўсиб қўйишига рухсат этилмайди.

60. Сунъий ёритиш умумий ва бирлашган тизимда ишлатилади (умумий маҳаллий билан биргаликда). Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.

61. Участка ва хоналарда портлаш бўйича хавфли газ ва чанглар концентрацияси йиғилиб қолиш эҳтимоли бўлса, электр ёритиш тизими портлашдан алоҳида бажарилиши керак.

62. Хавфлилик даражаси юқори бўлган хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёриткичлар ишлатилиши керак. Ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, силосослар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)ни ички сиртини ёритиш учун кўчма электр ёриткичларнинг кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак.

11-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

63. Шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

64. Оқимли шамоллатишларни ташқи ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши керак.

65. Ўтиш жойларида жойлашган иситиш жиҳозлари рухсат этилган ўтиш йўлакларининг энини камайтирмаслиги керак.

66. Иш жойларида ҳаво ҳарорати енгил жисмоний ишда 21°C, ўртача оғир ишда 17°C, оғир ишда 16°C дан паст бўлмаслиги лозим.

67. Ходимларнинг исиниши учун хоналарда ҳаво ҳарорати 22°C дан кам бўлмаслиги керак.

68. Исиниш хоналаригача бўлган масофа биноларда жойлашган иш жойларидан 75 м дан, бино ташқарисидаги иш жойларидан эса 150 м дан кўп бўлмаслиги лозим.

12-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

69. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Би-ноларни ички сув қувури ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

70. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қувурига уланган фаввора-чалар бўлиши керак. Сув қувурлари йўқ бўлганда бакларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

71. Боғ ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ ва канализация тизимига уланган бўлиши лозим.

72. Боғда канализация тизими йўқ бўлганда давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда боғда ер қатламини ифлослантирмаган ҳолда душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларини мавжуд бўлишига рухсат этилади..

13-§. Электр қурилмаларига қўйиладиган талаблар

73. Боғларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) ҳамда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 379-модда) ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.

74. Электр ток ўтказувчи қисмлар, тақсимловчи қурилмалар, аппаратлар ва ўлчаш асбоблари, шунингдек турли сақловчи қурилмалар, рубилниклар ва бошқа ишга туширувчи аппаратлар ва мосламалар фақат ёнмайдиган асослар (мармар, текстолит, гетинакс ва бошқалар)да монтаж қилиниши лозим.

75. Ёритиш ва қувватли ускуналар ҳамда электр тармоқларининг тузилиши хоналардаги шароитларга ва улардаги ишлаб чиқаришнинг хусусиятига мос бўлиши шарт.

76. Юқори намлик ва иссиқлик ажралиб чиқувчи хоналарда электр ёриткичлар намликдан, электр двигателлари эса суюқлик сачрашидан химояланган ёки ёпиқ ижрода бўлиши шарт.

77. Тақсимловчи қурилмалар изоляциясининг қаршилиги ва чидамлиги текшириб турилиши лозим.

78. Ишлаб чиқариш бинолари ва маиший хоналарда қўлланувчи люминесцент ёриткичлар ёпиқ ҳолда, намлик ва чанг ўтказмайдиган махсус аратурада бажарилиши лозим.

79. Кўчириб юрилувчи ёриткичлар шишали химоя қалпоқлари ва металл тўр билан жихозланган бўлиши лозим. Ушбу ёриткичлар ва бошқа кўчириб юрилувчи аппаратлар учун мис толали эгилувчан кабел ва электр ўтказгичлар қўлланиши лозим.

80. Эвакуация йўлаклари ва зинапояларда авария ёриткичлари бўлиши лозим.

81. Авария ёриткичлари бошқа ёриткичлардан тури, ўлчамлари ва махсус туширилган белгилари билан ажралиб туриши ва вақти-вақти билан чангдан тозаланиб турилиши лозим.

82. Кабеллар ва электр ўтказгичларнинг изоляцияси, ташқи бирикмалар, химояловчи ерга улагичлар, электр двигателларнинг ишлаш режими кўрикдан ўтказилиши ва асбоблар билан ўлчаш орқали текширилиб турилиши лозим.

83. Электр аппаратлари ва агрегатларини нолга ва ерга улаш симларининг бутунлиги боғ бош энергетиги бошчилигидаги комиссия томонидан камида олти ойда бир марта текширилиши лозим. Текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

84. Кам қувватли электр лампалари ва асбобларини каттароқ қувватлиларига алмаштириш тармоқ учун йўл қўйилувчи юкланишни ҳисобга олган ҳолда электр хўжалиги учун жавобгар ходимнинг рухсати билан амалга оширилиши лозим.

85. Битта электр штепселига бир нечта истеъмолчиларни улаш тақиқланади.

86. Чангларнинг статик электр разрядларидан алангаланиб кетмаслиги учун машиналарнинг филофлари, унинг асосий валлари ва ҳаво қувурлари ерга уланган бўлиши лозим. Ҳаво қувурларининг филтрлари майда катакли металл тўрлар билан ўралган ва тўр ер билан уланган бўлиши лозим.

87. Боғнинг барча турдаги бино ва иншоотлари яшин қайтаргичлар ўрнатилган ҳолда тўғридан-тўғри яшин уришидан химояланган бўлиши лозим. Яшин қайтаргичлар ҳар йили баҳорда текширилиб турилиши ва носозликлари бартараф этилиши лозим.

III. Ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларига қўйиладиган талаблар

1-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари

88. Боғларда ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва олиб боришда ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблари», ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари»га ва ушбу Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим.

89. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналари дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

90. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналари учун ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим

91. Ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказилиши ва ёнғинни олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши керак.

92. Боғларда ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан белгиланган меъёрларда ёнғинга қарши курашиш учун ўт ўчириш воситалари бўлиши лозим.

93. Бино ва ёнғин сув манбаи йўлаклари ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлаklar доимо бўш бўлиши керак.

94. Аттракционлар (аттракцион мажмуалари) ишлатиладиган ҳар бир

майдон ёнғинга қарши воситалар (қум тўлдирилган яшик, курак, илмоқ, челак, сув тўлдирилган бочка ва бошқалар) билан жиҳозланган бўлиши керак.

2-§. Юк ортиш ва тушириш ишларида хавфсизлик талаблари

95. Юк ортиш ва тушириш ишлари ва юкларни жойлаштириш Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1582, 2006 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 24-сон, 221-модда) талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

96. Боғларда барча юк ортиш ва тушириш ва оғир меҳнат категориясига тегишли юкни ҳаракатлантириш жараёни механизациялашган бўлиши лозим.

3-§. Аттракционларнинг бошқарув тизимларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

97. Аттракционларнинг бошқарув тизимлари уларнинг вазифасини кўрсатиб берадиган белги ва ёзувларга эга бўлиши ҳамда улар стандарт талабларига жавоб бериши керак.

98. Аттракционларнинг бошқарув тизими қизил рангли, «Стоп» тугмачасига эга бўлиши керак.

4-§. Қайиқларни ишлатишда хавфсизлик талаблари

99. Қайиқларда хизмат кўрсатувчи ходимлар боғ ҳудудидаги сув ҳавзаларининг харитасига эга бўлишлари лозим.

100. Қайиқларда хизмат кўрсатувчи ходимлар иш бошлашидан олдин ўзига бириктирилган ҳар бир қайиқнинг барча қисмларини соз ҳолатда эканлигини кўздан кечириши ва созлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин ишни бошлаши лозим.

101. Қайиқларда хизмат кўрсатувчи ходимлар иш фаолияти вақтида фавқулодда вазиятлар вужудга келганда, уни дарҳол бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

5-§. Тупроқни тайёрлашда хавфсизлик талаблари

102. Ходим тупроққа ишлов беришдан олдин иш қуруллари ва мосламаларининг (кураклар, хаскашлар, паншахалар ва ҳоказолар) созлигини текшириб кўриши ва шундан сўнг ишни бошлаши лозим.

103. Тупроқни ўғитлашда нам қўлқопдан фойдаланиш тақиқланади.

104. Бегона ўтларни тозалаш ишларини асбоб ва ускуналарсиз бажариш тақиқланади.

6-§. Дарахтларни кесиш ва қулатишда хавфсизлик талаблари

105. Дарахтларни кесиш ва уларга шакл бериш билан боғлиқ барча ишлар бевосита бригада бошлиғининг раҳбарлигида амалга оширилиши лозим.

106. Дарахт шохларини кесишда мустаҳкам хавозалар ёки нарвонлардан фойдаланиш лозим. Дарахт танаси ёки унинг шохларига тиркалган нарвонларда туриб ишлаш тақиқланади.

107. Баландлиги 3 м дан юқори бўлган нарвонларда икки нафар ходимдан кам бўлмаган ҳолларда ишлашга рухсат берилади.

108. Дарахтларни кесиш пайтида уларга чиқиш, ҳар хил тўсиқлар ва панжаралар устида туриб иш бажариш ҳамда уни остида бўлиш тақиқланади.

109. Боғда мавжуд барча иш қуроллари махсус идишлар ва хоналарда сақланиши лозим.

110. Дарахтларни кесиш ишлари электр линиялари атрофида бажариладиган вақтда, линияни электр токидан узилганидан кейин амалга оширилиши лозим.

111. Дарахт қулатилаётганида ходимлар уни йиқилаётган томонида туриши тақиқланади.

112. Дарахтларни қулатишда уни тортишга мўлжалланган арконлар дарахт қулаётганда ходимларга жароҳат етказишни истисно этадиган узунликда бўлиши керак.

113. Дарахтларни қулатиш ишларида камида уч нафар ходим иштирок этиши керак.

7-§. Майсаларни ўриш агрегатлари ва асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик талаблари

114. Майсаларни ўриш агрегатлари ва асбобларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги талабларига амал қилиниши шарт.

115. Агрегат пичоқлари ва чалғиларни қўлда ўтқирлаш ҳамда чархлашда соз асбоб ва ускуналардан фойдаланиш лозим.

116. Чалғиларни оёққа қўйиб ўтқирлаш тақиқланади.

117. Майса ўриш агрегатларини ишлатишдан аввал унинг двигатель ва кесувчи органлари мустаҳкамлиги текширилиши керак.

118. Майса ўриш агрегатини ўт олдиришга мўлжалланган ипини қўлга ўраб тортиш тақиқланади.

119. Майса ўриш агрегатининг қайишлари ва занжирларини у ишлаб турган вақтда алмаштириш ҳамда унинг кесувчи қисми олдида туриш тақиқланади.

8-§. Кўчат ўтқазиш ишларида қўйиладиган хавфсизлик талаблари

120. Кўчат жойлаштирилган катта идишларни бир жойдан иккинчи жойга ўтқазиш ишлари замбиллар ёки аравачалар ёрдамида бажарилиши керак.

121. Катта оғирликдаги ва ҳажмдаги гултувакларни ташиш ва ўрнатиш ишларида юк кўтариш механизмлари ёки бошқа махсус мосламалардан фойдаланиш лозим.

9-§. Тозалаш ишларида хавфсизлик талаблари

122. Боғларни тозалаш ишларини амалга оширадиган ходимлар соз асбоб ва ускуналар (кураклар, супургилар, қирқгичлар ва ҳоказолар) билан таъминланиши керак.

123. Чиқиндиларни тозалаш учун асбоб ва ускуналардан ҳамда махсус қўлқоплардан фойдаланиш лозим.

124. Чиқиндиларни механизмлар ёрдамида тозалашда ушбу ҳудудларда бегона одамларнинг бўлиши тақиқланади.

125. Баландликда тозалаш ишлари бажарилаётганда нарвон ва хавозалардан фойдаланиш керак.

IV. Ишлаб чиқариш асбоб ва ускуналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§. Ишлаб чиқариш асбоб ва ускуналарига қўйиладиган умумий талаблар

126. Ишлаб чиқариш ускуналари монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш пайтида ишларнинг хавфсизлигини таъминлаши, ёнғин ва портлаш хавфидан холи бўлиши, улардан фойдаланиш жараёнида атроф муҳитни зарарли моддалар билан санитария меъёрларидан ортиқ миқдорда ифлослан-тирмаслиги ва намлик, қуёш радиацияси, механик тебранишлар, босим ва ҳароратнинг ўзгаришлари натижасида хавф-хатар юзага келтирмаслиги лозим.

127. Ишлаб чиқариш ускуналарининг ҳаракатланувчи қисмлари тўсилган ёки ГОСТ 12.2.062-81 талабларига мувофиқ блокировкалаш, тўхтатиш, хабардор қилиш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

128. Ишлаб чиқариш асбоб ва ускуналарининг техник ҳолати ва улардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик, ушбу ускуналар тасарруфида бўлган бўлинмаларнинг раҳбарлари ва таъмирлаш хизматлари раҳбарларига юклатилади.

129. Ишлаб чиқариш асбоб ва ускуналарининг элементлари (электр ўтказгичлари, кабеллари ва бошқалар), уларнинг шикастланишига имкон бермайдиган ҳолатда тайёрланган бўлиши лозим.

130. Ишлаб чиқариш асбоб ва ускуналарининг газ, буғ, пневматик, гидравлик ва электр тизимлари, уларнинг ушбу ускуна таркибида ишлаш шaroитларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тизимларга тегишли бўлган стандартларнинг талабларига мос бўлиши лозим.

131. Барча назорат мосламалари (термометр, монометр, ҳисоблагич ва

бошқалар), шунингдек сигнал берувчи чироқларнинг жойлашуви ускуналарни ишлатиш ва созлаш пайтида қулай кузатиш имкониятини таъминлаш керак.

132. Катта ўлчамли (габаритли) ускуналари ва уларнинг қисмларига хизмат кўрсатиш, текшириш, таъмирлаш ва созлаш учун қулай ҳамда пол даражасидан 2 м ва ундан баландликда жойлашганда тўсиқлари ва зиналари бор майдонлар билан таъминланган бўлиши керак.

2-§. Дарахт кесувчи ва майса ўрувчи механизмлардан фойдаланишда хавфсизлик талаблари

133. Электр ва бензин двигателлари ёрдамида ишлайдиган механизмларни ишлатишдан аввал уларнинг техник жиҳатдан созлогига ишонч ҳосил қилиш лозим.

134. Майса ўрувчи механизмлар билан ёмғирдан сўнг ҳамда нотекис ва ботқоқ жойларда ишлаш тақиқланади.

135. Дарахт кесиш механизмнинг кесувчи қисми, сим, йирик ва қуруқ шохларга дуч келган ҳолларда двигателни дарҳол ўчириш керак.

136. Механизм двигателини ўчирмасдан бир жойдан иккинчи жойга кўчириш тақиқланади.

V. Таъмирлаш (тузатиш) ишларини амалга оширишда хавфсизлик талаблари

1-§. Таъмирлаш ишларини амалга оширишда хавфсизликнинг умумий талаблари

137. Боғнинг таъмирлаш хизмати ускуналарни меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими, уларнинг паспортлари, техник йўриқномалари ва ишлаб чиқарувчи заводнинг бошқа ҳужжатларининг талабларига мослигини таъминлаши лозим.

138. Ускуналарни зарур техник ҳолатда тутиб туриш учун боғда унга хизмат кўрсатишни яхшилаш, режавий-олдини олувчи таъмирлашни қатъий бажарилиши ва таъмирлаш ишларининг сифатини яхшилаш бўйича чоралар кўрилиши лозим.

139. Барча ҳолларда таъмирлаш ишларининг бажарилиш тартиби ва усуллари боғ раҳбарияти билан келишилиши лозим.

140. Таъмирлаш ишлари бажарилувчи ҳудуд тўсилиши ва хавфсизлик белгилари ўрнатилиши лозим.

141. Ечиб олинган агрегатлар, деталлар ва металл конструкциялар йиғиштириб қўйилиши лозим.

142. Барча таъмирлаш ишлари боғ раҳбари томонидан тайинланган ходимларнинг раҳбарлиги ва назорати остида бажарилиши лозим.

143. Таъмирлаш ишлари тугагач, барча кераксиз конструкциялар, материаллар, асбоблар ва чиқиндилар олиб кетилиши, тўсиқлар, сақловчи мосламалар, блокировкалар ўз жойига ўрнатилиши лозим.

2-§. Боғдаги аттракционларни монтаж қилиш ва уларни таъмирлашда хавфсизлик талаблари

144. Аттракционлар асосий қисмларини (конструкциялари) алмаштириш билан боғлиқ монтаж ишлари аттракционнинг фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатларига асосан фақат ихтисослаштирилган монтаж ташкилоти томонидан амалга оширилиши керак.

145. Аттракционлар таъмирланишидан олдин электр таъминоти манбаидан узиб қўйилиши, аттракционни ишга тушириш қурилмасига эса «Улан-масин! Одамлар ишламоқда» ёзувли тақиқловчи белги ўрнатилиши лозим.

146. Таъмирлаш ишларини амалга оширилиши учун ходимлар соз асбоб ва ускуналар ва мосламалар билан таъминланган бўлишлари керак.

147. Таъмирлашни амалга оширган ташкилот таъмирлашни тугаллагандан сўнг аттракционни техник кўрикдан ўтказиши ва белгиланган тартибда фойдаланишга топширилиши керак.

148. Барча аттракционларга даврий техник хизмат кўрсатишни боғ раҳбарияти томонидан тасдиқланган режа-графикка асосан амалга оширилиши керак.

149. Режали таъмирлаш ишлари бажарилмаган ва техник хизмат кўрсатиш ўтказилмаган аттракционлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

150. Аттракционларнинг гидроприводлари, пневмоприводлари ва мойлаш тизимлари стандарт талабларига жавоб бериши керак.

151. Янгидан монтаж қилинган (ёки мавсумлар орасида сақланган) аттракционни фойдаланишга қабул қилиш, уни статик ва динамик синовлардан ўтказиш ва аттракциондан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида тегишли далолатнома расмийлаштирилиши ҳамда аттракцион учун фойдаланиш ҳужжатида техник гувоҳлик тўғрисида белги қўйилганидан сўнг амалга оширилиши лозим.

152. Техник гувоҳликда аттракционлар кўздан кечирилиши, статик ва динамик синовлардан, электр қурилмалари эса кучланишини ерга ўтказиш ва изоляция қаршилиги синовидан ўтказилиши керак.

153. Аттракционларнинг статик ва динамик синовлари эксплуатация ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда ўтказилиши керак.

154. Техник гувоҳлик ўтказиш давомида синовлар салбий натижалар кўрсатган ҳолатларда ундан фойдаланишни тўхтатиш лозим.

155. Жисмоний ейилиш ва авариялар оқибатида носоз ҳолга келган ҳамда тиклаш мумкин бўлмаган аттракционлардан фойдаланиш тақиқланади.

VI. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

156. Мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик боғ раҳбарияти зиммасига юклатилади.

157. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

VII. Яқуний қоида

158. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2010 йил 22 ноябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2010 йил 22 ноябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2010 йил 22 ноябрь

*«Саноатгеоконтехназорат»
Давлат инспекцияси бошлиғи*

Б. ГУЛЯМОВ

2010 йил 22 ноябрь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2010 йил 22 ноябрь

*«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2010 йил 22 ноябрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги директори*

А. АБДУВАЛИЕВ

2010 йил 22 ноябрь

*Маданият ва спорт
ишлари вазири*

А. ЖАББОРОВ

2010 йил 22 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

462 Тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни
муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2161*

(2010 йил 16 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-даги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июл-даги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ
буюраман:

1. Тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 23 ноябрь,
191-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2010 йил 23 ноябрдаги
191-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни
муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар тамаки ишлаб чиқарувчи ташкилотларга (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва қасаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида тўғри ўрганиб чиқирилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

7. Ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ходимлар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари.

8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган ташкилотларда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган ташкилотларда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра ташкилотнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунди ҳамда ташкилотнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятларига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил за-

рарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларни ўқитиш, уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ беришни ташкил этиш

12. Ташкилот ходимлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, уларнинг билимларини синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқ берилиши керак.

13. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда ташкилот ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

15. Ташкилотлар ГОСТ 17.2.3.02-78 бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

16. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ҳамда меҳнат жараёнининг хавфли ва зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиклим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғир шароитлари аттестация қилиш орқали белгиланиши лозим.

17. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёки янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда хавфли ва зарарли омиллар тўғрисидаги маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

4-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

18. Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш белгиланган стандартлар ва меъёрлар талабларига мос

жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

19. Жамоавий ҳимоя қилиш воситаларига қуйидагилар киради:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини меъёрлаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқиндан, тебранишдан, электр ва статик тоқлар уришидан ҳамда ускуналар юзасини юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

20. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари хонадаги барча ходимларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва ташкилотни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

21. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз ходимларнинг ишга жалб қилиниши тақиқланади.

22. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларни қўллаши, ҳимоя хусусиятлари ва амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши лозим.

23. Ташкилотда қуйидагилар таъминланиши шарт:

шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатураси;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назорат амалга оширилиши;

ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлиги текширилиши;

шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳотида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилиниши (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

24. Ходимлар Ёғ-мой ва тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига (рўйхат рақами 2113, 2010 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 205-модда) мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

5-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати

25. Ташкилот ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳотида, юқори ҳарорат ва намлик

шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

26. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топшириғини олишдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни бажариш усулларини ўзлаштириб олиши шарт.

27. Ўта хавфли ишларни бажариш, фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

28. Ташкилот раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва хавфсиз бажаришда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига тўла жавобгардир.

6-§. Касбий танлов

29. Ташкилотларда танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

30. Ходимлар, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

31. Босим остида ишловчи ускуналар ва хавфи юқори бўлган ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

32. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

33. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 1-сон) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмайди.

7-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

34. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

35. Ташкилот раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши

лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши лозим.

36. Тиббий кўриклар ташкилотнинг тиббий муассасаларида, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилиши лозим.

37. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий кўрик натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда ушбу ходим ишга қўйилиши мумкин эмас.

38. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик ташкилот раҳбарияти зиммасига юкланади.

39. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

8-§. Ташкилот майдонларига бўлган хавфсизлик талаблари

40. Ташкилот майдонлари ва биноларининг жойлашуви ҚМҚ II 89-80 «Саноат ташкилотларини бош плани» талабига мос бўлиши керак.

41. Ташкилотда транспорт воситаларини ва пиёдаларни ташкилот ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

42. Транспорт воситалари ва ташкилот ҳудудида пиёдаларнинг ҳаракати чизмаси ташкилотга кириш ва чиқиш ҳамда иш участкалари ва цехларнинг кўринарли жойларига осиб қўйилиши керак.

43. Ташкилот майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қуйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши лозим.

44. Ташкилот майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

45. Йилнинг ёз вақтида йўлаклар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши лозим.

9-§. Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари

46. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҚМҚ 2.09.02-85 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

47. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва майший бинолари» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

48. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг (ҳарорати, нисбий намлиги, ҳавони ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) микроклими ГОСТ 12.1.005-88 талабига жавоб бериши керак.

49. Нам хоналарда ҳамда иссиқ ўтказувчи полларда (бетонли, ғиштли, плитали ва бошқалар) мунтазам ишлашга мўлжалланган иш жойларида ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши керак.

50. Пол тўшамалари зарарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги кирлар ва чанглардан енгил тозаланган бўлиши керак.

51. Бинога транспорт воситаларини кириш жойлари дарвозалар ва сигнал асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

52. Дарвоза тавақалари ёпиқ ва очиқ ҳолатида махсус мосламалар мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак.

53. Транспорт воситаларини бинога кириши учун дарвоза эни фойдаланилаётган транспорт воситалари эни миқдоридан ошиқ бўлиши керак.

54. Дарвозалар баландлиги транспорт воситасининг баландлигидан камида 0,2 м дан ошиқ бўлиши керак.

55. Ташкилотларда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.

56. Барча ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари бир йилда икки мартадан (баҳор ва кузда) кам бўлмаган ҳолда ташкилот раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан техник кўрикдан ўтказилиши лозим. Техник кўрик хулосалари, уларда топилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва муддати кўрсатилган далолатномалар орқали расмийлаштирилиши керак.

57. Ходимлар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тезда бартараф этилиши керак. Хавфли ҳудудларда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳалокат бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилиши лозим, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.

10-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

58. Ишлаб чиқариш хоналарини табиий ва сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мос бўлиши лозим.

59. Авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларини уланиши тақиқланади. Авария ёритишларни созлиги ҳар чоракда камида бир марта текширилиши лозим.

60. Ёритиш воситалари тоза ва соз ҳолатда бўлиши керак. Ёруғ тушувчи ойналарни йилда камида икки марта тозалаш лозим.

61. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни турли предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) тўсиб қўйишига рухсат этилмайди.

62. Сунъий ёритиш умумий ва бирлашган тизимда ишлатилади (умумий маҳаллий билан биргаликда). Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.

63. Участка ва хоналарда портлаш бўйича хавфли газ ва чанглар концентрацияси йиғилиб қолиш эҳтимоли бўлса, электр ёритиш тизими портлашдан алоҳида бажарилиши керак.

64. Хавфлилик даражаси юқори бўлган хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёриткичлар ишлатилиши керак. Ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, силосослар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)ни ички сиртини ёритиш учун кўчма электр ёриткичларнинг кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак.

11-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган талаблар

65. Шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

66. Оқимли шамоллатишларни ташқи ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши керак.

67. Ўтиш жойларида жойлашган иситиш жиҳозлари рухсат этилган ўтиш йўлакларининг энини камайтирмаслиги керак.

68. Иш жойларида ҳаво ҳарорати енгил жисмоний ишда 21°C, ўртача оғир ишда 17°C, оғир ишда 16°C дан паст бўлмаслиги лозим.

69. Ходимларнинг исиниши учун хоналарда ҳаво ҳарорати 22°C дан кам бўлмаслиги керак.

70. Исиниш хоналаригача бўлган масофа биноларда жойлашган иш жойларидан 75 м дан, бино ташқарисидаги иш жойларидан эса 150 м дан кўп бўлмаслиги лозим.

12-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

71. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Биноларни ички сув қувири ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

72. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қувирига уланган фаввора-чалар бўлиши керак. Сув қувурлари йўқ бўлганда бакларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

73. Ичимлик сувининг ҳарорати 8°C дан 20°C гача бўлиши керак.

74. Ташкилот ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ ва канализация тизимига уланган бўлиши лозим.

75. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмаган ҳолда душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларини мавжуд бўлишига рухсат этилади.

13-§. Электр қурилмаларига қўйиладиган талаблар

76. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) ҳамда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 379-модда) ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.

77. Электр ток ўтказувчи қисмлар, тақсимловчи қурилмалар, аппаратлар ва ўлчаш асбоблари, шунингдек турли сақловчи қурилмалар, рубилник-

лар ва бошқа ишга туширувчи аппаратлар ва мосламалар фақат ёнмайдиган асослар (мармар, текстолит, гетинакс ва бошқалар)да монтаж қилиниши лозим.

78. Ёритиш ва қувватли ускуналар ҳамда электр тармоқларининг тузилиши хоналардаги шароитларга ва улардаги ишлаб чиқаришнинг хусусиятига мос бўлиши шарт.

79. Юқори намлик ва иссиқлик ажралиб чиқувчи хоналарда электр ёриткичлар намликдан, электр двигателлари эса суюқлик сачрашидан ҳимояланган ёки ёпиқ ижрода бўлиши шарт.

80. Таксимловчи қурилмалар изоляциясининг қаршилиги ва чидамлилиги текшириб турилиши лозим.

81. Ишлаб чиқариш бинолари ва маиший хоналарда қўлланувчи люминесцент ёриткичлар ёпиқ ҳолда, намлик ва чанг ўтказмайдиган махсус араматурада бажарилиши лозим.

82. Кўчириб юрилувчи ёриткичлар шишали ҳимоя қалпоқлари ва металл тўр билан жиҳозланган бўлиши лозим. Ушбу ёриткичлар ва бошқа кўчириб юрилувчи аппаратлар учун мис толали эгилувчан кабел ва электр ўтказгичлар қўлланиши лозим.

83. Эвакуация йўлаклари ва зинапояларда авария ёриткичлари бўлиши лозим.

84. Авария ёриткичлари бошқа ёриткичлардан тури, ўлчамлари ва махсус туширилган белгилари билан ажралиб туриши ва вақти-вақти билан чангдан тозаланиб турилиши лозим.

85. Кабеллар ва электр ўтказгичларнинг изоляцияси, ташқи бирикмалар, ҳимояловчи ерга улагичлар, электр двигателларнинг ишлаш режими кўрикдан ўтказилиши ва асбоблар билан ўлчаш орқали текширилиб турилиши лозим.

86. Электр аппаратлари ва агрегатларини нолга ва ерга улаш симларининг бутунлиги ташкилот бош энергетиги бошчилигидаги комиссия томонидан камида 6 ойда бир марта текширилиши лозим. Текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

87. Кам қувватли электр лампалари ва асбобларини каттароқ қувватлиларига алмаштириш тармоқ учун йўл қўйилувчи юкланишни ҳисобга олган ҳолда электр хўжалиги учун жавобгар ходимнинг рухсати билан амалга оширилиши лозим.

88. Битта электр штепселига бир нечта истеъмолчиларни улаш тақиқланади.

89. Чангларнинг статик электр разрядларидан алангаланиб кетмаслиги учун машиналарнинг филофлари, унинг асосий валлари ва ҳаво қувурлари ерга уланган бўлиши лозим. Ҳаво қувурларининг филтрлари майда катакли металл тўрлар билан ўралган ва тўр ер билан уланган бўлиши лозим.

90. Ташкилотнинг барча турдаги бино ва иншоотлари яшин қайтаргичлар ўрнатилган ҳолда тўғридан-тўғри яшин уришидан ҳимояланган бўлиши лозим. Яшин қайтаргичлар ҳар йили баҳорда текширилиб турилиши ва носозликлари бартараф этилиши лозим.

III. Ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган талаблар

1-§. Технологик жараёнларга қўйиладиган умумий хавфсизлик талаблари

91. Тамаки ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ГОСТ 12.3.002-75 «Ишлаб чиқариш жараёнлари. Умумий хавфсизлик талаблари»га мувофиқ бўлиши лозим.

92. Ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлиги қуйидаги талабларни амалга ошириш орқали таъминланади:

ишлаб чиқариш ускуналарига хизмат кўрсатиш тартибидаги технологик жараёнларни (иш турларини), иш усуллари ва режимларини қўллаш;

ишловчиларга зарарли таъсир кўрсатмайдиган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни, бутловчи маҳсулотларни қўллаш (ушбу талабни бажаришнинг имкони бўлмаган тақдирда ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлигини ва ходимларнинг ҳимоясини таъминловчи чоралар кўриш орқали);

шикастланиш ва касб касалликлари манбаи бўлмаган ишлаб чиқариш ускуналарини қўллаш;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг тарқалишини чекловчи воситаларни қўллаш;

ишлаб чиқариш ускуналарини тўғри жойлаштириш ва иш жойларини тўғри ташкил этиш;

хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни, тайёр маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва транспорт воситаларида ташишнинг хавфсиз усулларини қўллаш;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг хусусиятига мос келувчи ҳимоялаш воситаларини қўллаш;

иш бажарилаётган пайтдаги хавфли ҳудудларни белгилаш.

93. Ишлаб чиқариш жараёнлари атроф муҳитнинг (ҳаво, тупроқ, сув ҳавзалари) ифлосланишига ва зарарли омилларининг тегишли нормативларидан ортиқ даражада тарқалишига олиб келмаслиги шарт.

94. Ишлаб чиқариш технологик жараёнлари соз ускуналарда, соз назорат-ўлчаш асбоблари, ҳимоя тўсиқлари, блокировкалар, ишга туширувчи аппаратлар, технологик асбоб ва ускуналар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши лозим.

95. Технологик жараён қатъий равишда технологик ҳужжатга мувофиқ олиб борилиши лозим.

96. Технологик жараёнда янги хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар қўлланилса, шунингдек хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларига эга бўлган оралиқ моддалар ҳосил бўлса ходимларга олдиндан ўзини бехатар тутиш қоидалари ҳақида маълум қилиниши ва улар тегишли тартибда ўқитилиши ва ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

97. Янги хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни қўллашга фақат белгиланган тартибда тегишли гигиеник меъёрлар тасдиқлангандан сўнг рухсат этилади.

2-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари

98. Ишлаб чиқариш жараёнлари ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва олиб боришда ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблари» ва ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари»га ва ушбу Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим.

99. Ишлаб чиқаришда синалмаган ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд ҳамда токсик хусусиятларга эга бўлган моддалар ва материалларни қўллаш тақиқланади.

100. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарининг портлаш жиҳатидан хавфлилик тоифалари лойиҳа ташкилоти томонидан ТЛТМ 24-86 «Технологик лойиҳалаштириш тармоқ меъёрлари»га мувофиқ ҳар бир ҳолат учун алоҳида аниқланиши керак.

101. Ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда ёнғинлар, портлашлар, авариялар, захарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф муҳит унинг чиқиндилари (оқова сувлари, вентиляция чиқиндилари ва бошқалар) билан ифлосланиши эҳтимolini истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.

102. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналари дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

103. Вентиляция тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши керак.

104. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналари учун ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши ва кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

105. Ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказилиши ва ёнғинни олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши керак.

106. Бино ва ёнғин сув манбаи йўлаклари ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлаклар доимо бўш бўлиши керак.

3-§. Тамакини тайёрлашда хавфсизлик талаблари

107. Тамаки баргини қўлда титиш иш жойлари маҳаллий ҳаво сўргичлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

108. Вакуумли намлаш қурилмаси ва хўллаш цилиндри буғ келувчи қувурда буғ узатишни автоматик равишда беркитувчи жўмрак, эҳтиёт клапани, манометрлар ва термометрлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

109. Тамакини намлаш қурилмалари (кўчмас асосли, туннели, шприцловчи, барабан туридаги) ёпиқ ҳаво сўриш мосламаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

110. Иш ҳудуди ишга туширувчи мосламаларни аниқ кўришни таъминловчи етарли даражада ёритилган бўлиши лозим.

111. Барабан ва барча транспортёрларнинг созлиги текшириб турилиши лозим.

112. Ускунада носозлик аниқланган тақдирда, носозлик бартараф этилмагунча ускунани ишга тушириш тақиқланади.

113. Тамакини намлаш ускунасини ишга тушириш вақтида ўлчаш асбобларининг кўрсатиши, сув ва буғнинг босими ҳамда ҳарорати назорат қилиб турилиши лозим.

114. Буғ тизимлари изоляцияланган ва тўсиқлар билан ҳимояланган бўлиши лозим.

115. Ускуна ишлаётган пайтда йиғиштириш ишларини олиб бориш тақиқланади.

116. Барабаннинг ичидаги йиғиштириш ишлари наряд-рухсатномаси бўйича олиб борилиши лозим.

117. Цилиндрнинг ичига у совигандан сўнг киришга рухсат этилади.

118. Барабанни тозалашни бошлашдан олдин «Ёқилмасин, одамлар ишламоқда!» тақиқловчи хавфсизлик белгисини осиб қўйиш лозим.

119. Цилиндрнинг ичи ҳўл ва сирпанчиқ бўлгани сабабли йиғиштириш ишларини резина пойабзал кийган ҳолда бажариш лозим.

120. Цилиндрнинг ичига киришдан аввал унинг узатмаси, узатма двигателлари электр таъминоти манбаидан ўчирилган ва қулфлаб қўйилган бўлиши шарт.

4-§. Хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни сақлаш ва транспорт воситаларида ташиш

121. Омборлар ва юк сақлаш учун майдончалардаги қурилма ва ускуналар уларнинг қурилиши, санитария ва ёнғинга қарши меъёрлар ва қоидалар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

122. Юк ортиш ва тушириш ишлари ҳамда юкларни жойлаштириш Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1582, 2006 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 24-сон, 221-модда) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

123. Омбор ва юк сақлаш майдончаларида юкларни ортиш-тушириш ва оғир меҳнат категориясига тегишли юкни ҳаракатлантириш жараёни механизациялашган бўлиши лозим.

124. Омбор ёки юк сақлаш учун майдончалар ҳудудига кираверишда ҳаракат йўналиши, юк ортиш-тушириш жойи ва транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойини кўрсатувчи чизма осилган бўлиши керак.

125. Юк ортиш ва тушириш ишлари тамаки тўпларини хавфсиз жойлаш қоидаларини, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини яхши билувчи ходимнинг раҳбарлиги остида бажарилиши лозим.

126. Тамаки тўпларини жойлаш, ортиш ва тушириш ишларининг бажарилиши учун жавобгар ходим ишлар бошланишидан аввал юк кўтарувчи ва ташувчи механизмлар ҳамда бошқа ортиш ва тушириш жиҳозларининг созлигини текшириши лозим.

127. Ғарамлаш ишлари камида икки киши томонидан бажарилиши лозим.

128. Омборхоналар озода тутилиши лозим.

129. Тамаки тўплари жуда аниқлик билан қулаб кетиши ва силжишининг олдини олган ҳолда ўрнатилиб, маҳкамланиши лозим. Тамаки тўпларини ортиш ва туширишда устунли тагликлардан фойдаланиб ўраб боғлаш қўлланилади.

130. Тамаки тўпларини жойлаштириш, юк ортиш ва тушириш ишлари учун жавобгар ходим мунтазам равишда тамаки ғарамларининг турғунлигини текширади. Ҳар қандай турғунсизлик аниқланган тақдирда, зудлик билан уни бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

131. Омборхоналарнинг поли ёғочли ёки асфальтли бўлиши лозим. Агар пол бошқа материаллардан иборат бўлса, тўплар панжарали ёғоч тагликка тахланиши лозим.

132. Тахламнинг кенглиги омборхонанинг кенглиги билан аниқланади. Тахламнинг кенглиги 7 м дан ортмаслиги лозим, тахламлар орасида 0,5 м кенгликда ўтиш йўли, олд томонидан эса 1 м дан 1,5 м гача кенгликда ўтиш йўли қолдирилади. Тахламдан орқа деворгача бўлган масофа 0,5 м дан кам бўлмаслиги шарт.

133. Тахламларнинг устида ишловчи ходимлар тушиб кетишдан ҳимояловчи воситалар билан тўлиқ таъминланган, ҳимоя камари билан тросга маҳкамлаб қўйилган бўлиши лозим. Трос синовдан ўтказилган бўлиши шарт.

134. Юк билан девор, колонна ва хона шипи орасидаги масофа камида 1 м, юк ва ёритқич орасидаги масофа камида 0,5 м бўлиши лозим.

135. Қўлда ортиш чоғида ғарамнинг баландлиги 3 м дан, юк кўтариш механизмлари қўлланилганда эса 6 м дан ортмаслиги лозим.

136. Транспорт воситасига юк ортиш пайтида юкнинг баландлиги йўлнинг ҳаракатланиш қисмида 3,8 м дан, кенглиги эса 2,5 м дан ортмаслиги шарт.

137. Транспорт воситасининг бортларини очиш ва ёпишни фақат икки ходим томонидан бажаришга рухсат этилади.

138. Қутиларни устма-уст тахлашда гидравлик қисқичли авто юклагичдан фойдаланиш лозим.

139. Сигаретли яшиклар транспорт воситасига пастки қатордаги яшиклар деформацияланмайдиган қилиб тахланиши лозим.

140. Хонанинг поли қаттиқ қопламга эга бўлиши ва ер сатҳидан камида 50 см баланд бўлиши лозим. Сигаретли яшиклар полдан камида 10 см баланд ва ҳаво айланиши учун ораликларга эга бўлган ёғоч тагликларга тахланиши лозим.

141. Сигаретли яшиклар пастки яшикка путур етказмайдиган баландликда тахланиши лозим. Тахланган яшиклардан иссиқлик манбаи ва деворларгача бўлган масофа 1 м дан кам бўлмаслиги лозим.

142. Транспортлаш тамғаси «Намлиқдан қўрқади», «Қизишдан қўрқади», «Осон ёнувчан» манипуляция белгилари ва маҳсулотнинг хусусиятини белгиловчи белги туширилган ҳолда ГОСТ 14192-77 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

5-§. Фумигациялаш

143. Фумигациялаш махсус ўқитилган, йўриқдан ўтган, малакали ходимлар томонидан ўтказилиши лозим.

144. Сертификатга эга бўлган фосфин ажратиб чиқарувчи препаратлардан фойдаланиш лозим. Фосфиннинг (фосфорли водород) тўғри миқдори тест синови жараёнида аниқланади.

145. Фақат тамакида фойдаланиш учун тасдиқланган фосфиннинг реагентларидан фойдаланиш лозим.

146. Магний фосфиди 5°C ва ундан юқори ҳароратда пластина ёки тасма шаклида ишлатилиши мумкин.

147. Алюминий фосфиди 10°C дан паст ҳароратда қўлланилмаслиги лозим. Ҳавонинг намлиги 15% дан паст бўлмаслиги лозим.

148. Тамакини фумигация қилиш учун фосфин таблеткаларининг юма-лоқ доналаридан, шунингдек жойлаш идишининг шикастланган тасмачаларидан фойдаланишга рухсат этилмайди.

149. Фумигация қилиш бошланишидан олдин ишларнинг ўтказилиши учун жавобгар ходимга рухсатнома расмийлаштирилади.

150. Фумигация ўтказилувчи жой одамлар истиқомат қиладиган жойдан ва омборхоналардан узоқда, шунингдек ҳар қандай обод қилинган жойдан камида 100 м масофада жойлашган бўлиши шарт.

151. Нафас олиш органларини химоялаш воситалари фумигациялаш учун жавобгар ходим томонидан иш бошланишидан олдин текширилиши ва бу махсус журналда қайд қилиниши лозим.

152. Фосфин билан ишлаш учун маъқул топилган фильтр туридан фойдаланиш лозим. Ниқоб юзни тўлиқ беркитиши лозим.

153. Противогаздан фосфиннинг миқдори филтёрда кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланиш лозим. Бу миқдор филтёрда кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса ёки у номаълум бўлса, автоном нафас олиш аппарати қўлланиши лозим. Кутилмаган ҳодисалар учун ушбу воситаларнинг комплекти доим мавжуд бўлиши лозим.

154. Иш жараёнида енгил ювилувчан ип газламадан тайёрланган махсус кийим, резина ёки полихлорин қўлқоп ва резина ботинка кийилиши лозим.

155. Барча мавжуд фумигантлар ташкилотда қайд этилган бўлиши ва уларнинг ишлатилиши қаттиқ назорат қилиниши лозим.

156. Ташкилотнинг раҳбари барча ходимларни ўтказилган ҳар бир фумигациялаш ҳақида хабардор қилиши лозим.

157. Кутилмаган авария вазиятларда ҳаракат қилиш тартиби ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

158. Фумигантларни транспорт воситаларида ташиш хавфли моддаларни ташиш бўйича қоида ва меъёрларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

159. Фосфин ажратиб чиқарувчи моддаларнинг барча захираси ёпик ва пломба билан тамғаланган контейнерларда, бошқа омборхоналардан узоқ масофада жойлашган хоналарда ҳамда сақлаш хавфсизлиги қоидаларига риоя

килинган ҳолда сақланиши лозим. Фумигантларни куруқ ва яхши ёритилган хоналарда сақлашга рухсат этилади.

160. Фумигантлар сақланадиган ва фумигациялаш ўтказиладиган жойларда огоҳлантирувчи белгилар, сақлаш ва хавфсизлик бўйича эслатмалар осиб қўйилган бўлиши лозим.

161. Фумигантларни озик-овқат маҳсулотлари, кимёвий фаол ва осон алангаланиб кетувчи моддаларнинг яқинида сақлаш тақиқланади.

162. Иш пайтида фойдаланилган шахсий ҳимоя воситалари (қўлқоплар, филтрлар) чиқиндиларни кўмиш қоидаларига мувофиқ утиллаштирилиши лозим.

163. Қўлланилаётган ипли махсус кийим ва пойабзал 24 соат давомида яхшилаб шамоллатилиши лозим.

164. Барча ишлатилган ёрдамчи материаллар ва ускуналар йиғиб олиниши, тозаланиши ва махсус ажратилган жойга қўйилиши лозим.

6-§. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини зарарсизлантириш бўйича талаблар

165. Ташкилотларни чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни жорий қилиши, ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши-ни қисқартириши, уларни зарарсизлантиришни, қайта ишлашни амалга ошириши, саралаш, сақлаш, кўмиб ташлаш ва утиллаштиришда белгиланган тартибларга риоя қилиши мажбурийдир.

166. Ташкилотларда мажбурий равишда барча турдаги чиқиндиларнинг инвентаризациясини ўтказиш ташкил этилиши, чиқиндиларнинг ҳар бир турига паспортлар ишлаб чиқилиши ва чиқиндиларнинг инсонларнинг ҳаёти ва атроф муҳит учун хавфлилик даражаси аниқланиши шарт.

167. Ташкилотда чиқиндилар ташкил этилган жойларда ёпиқ контейнерларда, ёғингарчилик тушмайдиган ҳолда сақланиши лозим.

168. Чиқиндиларнинг хавфли турлари бегона шахсларнинг кириши чекланган жойларда, идентификация белгилари ва ёзувлари билан таъминланган ҳолда сақланиши лозим.

169. Чиқиндиларни рухсат этилмаган жойларда сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш тақиқланади.

170. Ташкилотда барча турдаги чиқиндилар билан муомала юритиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Чиқиндиларни йиғиш, жойлаштириш ва ташишни таъминлаётган ходимлар чиқиндилар билан муомала юритишнинг беҳатар усуллари бўйича ўқитилган бўлиши шарт.

IV. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган хавфсизликнинг умумий талаблари

171. Ишлаб чиқариш ускуналари монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъ-

мирлаш пайтида ишларнинг хавфсизлигини таъминлаши, ёнғин ва портлаш хавфидан холи бўлиши, улардан фойдаланиш жараёнида атроф муҳитни зарарли моддалар билан санитария меъёрларидан ортиқ миқдорда ифлослан-тирмаслиги ва намлик, қуёш радиацияси, механик тебранишлар, босим ва ҳароратнинг ўзгаришлари натижасида хавф-хатар юзага келтирмаслиги лозим.

172. Ишлаб чиқариш ускуналарининг ҳаракатланувчи қисмлари тўсилган ёки ГОСТ 12.2.062-81 талабларига мувофиқ блокировкаш, тўхтатиш, хабардор қилиш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

173. Ишлаб чиқариш ускуналарининг элементлари (электр ўтказгичлари, ўтказиш қувурлари, кабеллари ва бошқалар) уларнинг шикастланишига имкон бермайдиган ҳолатда тайёрланган бўлиши лозим.

174. Барча назорат мосламалари (термометр, монометр, ҳисоблагич ва бошқалар), шунингдек сигнал берувчи чироқларнинг жойлашуви ишлаб чиқариш ускуналарини ишлатиш ва созлаш пайтида қулай кузатиш имкониятини таъминлаши керак.

175. Катта ўлчамли (габаритли) ишлаб чиқариш ускуналари ва уларнинг қисмларига хизмат кўрсатиш, текшириш, таъмирлаш ва созлаш учун қулай ҳамда ердан 2 м ва ундан баландда жойлашганда тўсиқлари ва зиналари бор майдонлар билан таъминланган бўлиши керак.

176. Ускуналарни бошқариш органларида уларнинг вазифаси кўрсатилган аниқ ёзувлар ёки шартли белгилари бўлиши лозим.

177. Ишлаб чиқариш ускуналари таркибига кирувчи ҳимоя воситалари: ўчириб қўйилган ёки носоз ишлаб чиқариш ускунасининг ишлашини чеклаб қўйиши;

хавф туғилган ёки одам хавфли ҳудудга яқинлашган ҳолатларда ишлаб кетиши;

фақат хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири тугагандан сўнггина ўзининг ҳимоя вазифасини тугатишини таъминлаши;

ҳимоя воситаларининг айрим элементлари ишдан чиққан тақдирда, қўшимча хавф-хатарни юзага келтирмаган ҳолда бошқа ҳимоя воситаларининг ҳимоялаш вазифасини таъминлаши;

хизмат кўрсатиш ва назорат қилиш учун қулай бўлган жойда ўрнатилган бўлиши, айрим ҳолларда уларнинг ишлашини автоматик равишда назорат қилувчи қурилмалар билан таъминланган бўлиши лозим.

178. Ишлаб чиқарувчи ускуналар ўткир учли, қиррали ва бошқа жароҳатлаши мумкин бўлган элементларга, шунингдек тўсилмаган иссиқ ёки жуда ҳам совутилган қисм ва деталларга эга бўлмаслиги лозим.

179. Ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг тузилиши ва жойлашиши монтаж қилиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда қулайлик ва хавфсизликни таъминлаши керак.

180. Ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг барча айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлари бутунлай ёки тўр парда билан тўсилган бўлиши керак.

181. Тез-тез текширилиб туриладиган тўсиқлар тез ёки осон ечиладиган бўлиши керак.

2-§. Вакуум камераларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

182. Вакуум камераларининг электр асбоблари ерга уланган бўлиши, шунингдек камераларнинг ишга туширилганлиги тўғрисида огоҳлантирувчи нурланувчан ва товушли сигнализацияга эга бўлиши лозим.

183. Вакуум камеранинг эшигини очаётганда ва ёпаётганда буғдан куйишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Роликли транспортёрни ишга туширишдан аввал камеранинг ичида ва транспортёрнинг устида одамлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

184. Ускуналарда буғ, сув ва ҳаво очиб қўйилганда ҳеч қандай таъмирлаш ишлари олиб борилмаслиги лозим.

185. Ишлаётган пайтда шиша резервуардаги сувнинг сатҳи кузатиб турилиши, унинг кўрсатилган чегаралардан чиқиб кетишига йўл қўйилмаслиги лозим.

3-§. Пичоқ билан ишлашда хавфсизлик талаблари

186. Тиғи ёпиладиган хавфсиз пичоқдан фойдаланиш лозим.

187. Пичоқдан фойдаланиб ишлаётган ходимнинг яқинида бошқа ходимлар бўлмаслиги лозим.

188. Пичоқ билан кесиш ходимнинг рўпараси томондаги йўналишда амалга оширилиши лозим. Ходимнинг танаси томон йўналишда кесиш тақиқланади.

189. Пичоқ қўлланмайдиган ишлар бажарилаётган пайтда пичоқ қинига жойланиб, у учун ажратилган жойга қўйилиши лозим.

4-§. Роликли транспортёрда ишлашда хавфсизлик талаблари

190. Транспортланаётган ашёлар транспортёр тасмасидан чиқиб турмаслиги ва тушиб кетмаслиги лозим.

191. Ҳаракатланаётган транспортёрнинг роликларига тегиш, транспортёрга ўтириш, устида юриш, ундан сакраш тақиқланади.

192. Иш жойини ораста тутиш, уни ташилаётган юklar, чиқиндилар билан тўлдириб юбормаслик лозим.

5-§. Фарматурани тозалашда хавфсизлик талаблари

193. Фарматурани фракцияларга ажратиш ускунаси ҳавони узатувчи ва тортувчи вентиляция ва автоматик ўт ўчириш тизими билан жиҳозланган алоҳида хонада жойлаштирилиши лозим.

194. Фарматурадан бўшаган идишлар ўз вақтида хонадан махсус ажратилган жойга олиб кетилиши лозим.

195. Фарматура тозалагичи маҳаллий ҳаво сўргич билан жиҳозланган бўлиши лозим.

**6-§. Тамаки кесувчи дастгоҳларга қўйиладиган
хавфсизлик талаблари**

196. Дастгоҳни ишга туширишдан аввал ҳимояловчи мосламаларнинг мустаҳкамлиги, блокировка ва хабардор қилувчи тизимларининг созлиги текширилиши лозим.

197. Тамаки кесувчи машиналарни юклаш механизациялаштирилган бўлиши лозим.

198. Қўзғаладиган орқа деворнинг, сепгич ва шибернинг узатмалари тамаки кесувчи машиналарнинг узатмаси билан блокировкаланган ва ғилоф билан ёпилган бўлиши лозим.

199. Гилотин пичоғининг ҳаракатланиш ҳудуди ишга туширувчи қурилма билан блокировкаланган ва ғилоф билан ёпилиши лозим.

200. Машиналар тамаки, абразив ва металл чанглари сўриб олувчи аспирация тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

201. Блокировка схемаси алоҳида механизмларнинг белгиланган тартибда аввал пичоқли барабан ва абразив доиралар, шундан сўнг пластинасимон транспортёрлар ишга тушишини таъминлаши лозим.

202. Қўйидагилар тақиқланади:

тўсиқларни ечиш;

блокировкалаш тизимини ўчириш;

блокировкалаш тизимини ёқмай туриб таъмирлаш ва деталларни алмаштириш ишларини бажариш;

пичоқ билан ишлаётганда уни ўз ғавдаси томонга йўналтириш.

**7-§. Сигаретлар, филтралар тайёрловчи ва
қутичаларни жойловчи ускуналарга қўйиладиган
хавфсизлик талаблари**

203. Сигаретларни ишлаб чиқарувчи ва жойловчи ускуналар резина ёстиқларга ўрнатилиши лозим.

204. Ҳар бир машина авария вазияти юзага келган ҳолларда бутун ишлаб чиқариш линиясини тўхтатиб қўювчи «авариявий тўхтатиш» тугмасига эга бўлиши лозим.

205. Тамакини узатиш ва жойлаш пневматик транспортёр ёки механик юклагич билан бажарилиши лозим.

206. Вакуум камералари, уларни равон қўтариш ва туширишни таъминловчи қўтариш механизми билан жиҳозланган бўлиши лозим.

207. Сигарет стерженлари пичоқли каллакларининг узеллари электр механик блокировка, қулф ва тўсиқ билан жиҳозланган бўлиши, у очиб қўйилган вақтда кесувчи каллакларнинг инерцион ҳаракати тўхтаб туриши лозим.

208. Тез-тез кўздан кечириб туриладиган жойларнинг тўсиқлари тезда ечилувчи (қопқоқлар, шитоклар) ёки осон очилувчи (шарнирли, ошиқ-мошиқли) бўлиши лозим. Тўсиқлар, улар ечиб олинганда ёки очилганда ускунанинг узатмасини автоматик равишда ўчириб қўйиш учун блокировка билан жиҳозланган бўлиши лозим.

209. Ишга туширувчи қурилмалар, бошқариш органлари (тугмалар, дастаклар, педаллар, тутқичлар) «STOP» авария тугмаси ва хабардор қилувчи рангларга бўялган бўлиши лозим.

210. Тутқичлар ва дастаклар, уларнинг ҳаракатланиб кетишининг олдини олувчи фиксаторлар, шунингдек мос келмайдиган ҳаракатланишига йўл қўймайдиган блокировкалар билан таъминланган бўлиши лозим.

211. Ускуналарни бошқариш тизими ходимлар жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида шошилишч тормозланиш ва тўхтатиш воситаларини ҳамда ускуна ишидаги бузилишлардан хабардор қилувчи сигнализация тизимларини ўз ичига олиши лозим.

212. Сигарет машиналарининг дистрибуторлари бегона металл қўшимчаларни тутиб қолиш учун электр магнит билан жиҳозланган бўлиши лозим.

213. Электр иситкич ҳимоя тўсиғи (планка) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

214. Фильтр йиғувчи машинанинг ҳимоя тўсиғи машинанинг узатмаси билан блокировкаланган бўлиши лозим.

215. Целлофан билан ўровчи ва жойлаш машиналарининг электр горелкалари машина тўхтагач уларни ўчириб қўювчи электр блокировка билан жиҳозланган бўлиши лозим.

8-§. Автокара ва электрокараларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

216. Ўн саккиз ёшга тўлган, тегишли дастур бўйича ўқитилган ва ташкилот бўйича буйруқ билан тайинланган ходимлар автокара ва электрокаранинг машинистлари бўлиши мумкин.

217. Электрокаранинг бошқариш дастакларида уларнинг жорий тезликдаги ҳолатини кўрсатувчи фиксаторлар бўлиши лозим.

218. Электр ва автокаралар тез ишловчи тормозлар, товушли сигналлар, ёритиш асбоблари ва улардан бегона шахслар фойдаланишига имконият бермайдиган қулфлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

219. Ташилаётган юк ўзи юрар араваганинг юк платформасига мос бўлиши лозим.

220. Электр ва автокаралардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш ташкилот бош муҳандиси томонидан тасдиқланган йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

221. Автокаралардан ҳаво алмаштириш қурилмаларига эга бўлмаган цехларда фойдаланиш тақиқланади.

222. Электр ва автокараларнинг кўриниб турадиган жойида унинг номери ва у кўтара оладиган юкнинг вазни кўрсатилган бўлиши шарт.

223. Махсус жиҳозланмаган электрокараларда одамларни олиб юриш тақиқланади.

224. Ташкилот ҳудудида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлиги 5 км/соат дан ортмаслиги шарт.

9-§. Конвейерларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

225. Конвейерлар ўтиш жойлари ва ускуналар устида жойлашган тақдирда уларнинг пастки қисми сочилиб кетган материалнинг тушиб кетишининг олдини олувчи яхлит тўсиқ билан тўсилган бўлиши лозим.

226. Конвейердаги занжирли, тасмали ва тишли узатгичлар, бирлаштирувчи муфталар, узатма механизмларининг барабанлари, таранг тортиб турувчи қурилмаларнинг трослари ва юklarининг элементлари ҳимоя тўсиқлари билан тўсилган бўлиши шарт.

227. Тўсиқнинг конструкцияси уни ечиб олмасдан туриб қисмларини мойлаш ва подшипниклари қизиганлигини текшириб туриш имконини бериши лозим.

228. Тасманинг тасмали конвейер барабани билан туташув жойи конвейернинг ускунаси бўйлаб ён томонидан камида 1 м ҳамда барабан радиусининг йиғиндисига тенг бўлган масофада тўсилган бўлиши лозим.

229. Конвейернинг тасмаси ҳаракатланаётган пайтида ён томонга силжимаслиги ва барабан ҳамда таянч роликларининг чеккасидан чиқиб кетмаслиги лозим.

230. Тасмали конвейерлар тасма ёки тарангловчи қурилмалар узилиб кетган, шунингдек бўшатувчи воронка тарновлари тўлиб тикилиб қолган тақдирда конвейернинг узатмасини тўхтатиб қўувчи қурилмалар билан жиҳозланиши лозим.

231. Кўчмас конвейерлар, уларнинг узунлигидан қатъи назар, авария вазиятларида уларнинг узунаси бўйлаб исталган жойдан туриб конвейернинг узатмасини тўхтатиш имконини берувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

232. 6° дан ортиқ қияликка эга бўлган тасмали ва пластинли конвейерлар, улар тўхтаганда юк ортилган тасманинг тескари томонга қараб ҳаракатланишига йўл қўймайдиган стопор қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

233. Тасмали конвейерлар тасма ва барабанни ёпишиб қолган материалдан механик равишда тозаловчи мосламага эга бўлиши лозим.

234. Конвейерларни таъминловчи электр кабеллари фойдаланишга қулай ва ўтиш жойларини тўсиб қўймайдиган қилиб жойлаштирилган бўлиши лозим.

235. Металл парчаларини олиб ташлаш учун конвейерда магнитли металл ажратгичлар ўрнатилган бўлиши лозим.

236. Тасмали конвейерлар остидан тўкилган материални йиғиштириб

олиш механизациялаштирилган бўлиши лозим. Материалларни қўлда йиғиштириб олишга фақат конвейер тўхтатиб қўйилгандагина рухсат этилади.

237. Конвейерни ишга туширишдан олдин камида 5 секунд давомида конвейернинг бутун узунлиги бўйича эшитилувчи огоҳлантирувчи товушли сигнал берилиши шарт.

238. Конвейерларнинг устидан ўтиш учун галереяларда ҳар 100 м дан, ишлаб чиқариш хоналарида ҳар 30 — 60 м дан сўнг қўзғалмайдиган кўприкчалар ўрнатилган бўлиши лозим. Ўтиш кўприкчалари яхлит тўшамали, ёритилган ва уларнинг баландлиги камида 1,8 м бўлиши лозим.

239. Конвейер ишлаётган пайтда унинг ҳар қандай қисмини қўлда таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек тасмасининг устига чиқиш тақиқланади.

240. Тасманинг кенлиги 0,8 м дан ортиқ бўлса конвейернинг узатма ва тарангловчи қурилмаларининг устида таъмирлаш ишларини бажариш учун юк кўтарувчи воситалар назарда тутилган бўлиши лозим.

V. Таъмирлаш ишларини амалга оширишда хавфсизлик талаблари

241. Ташкилотнинг таъмирлаш хизмати ускуналарнинг меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими, уларнинг паспортлари, техник йўриқномалари ва ишлаб чиқарувчи заводнинг бошқа ҳужжатларининг талабларига мослигини таъминлаши лозим.

242. Ускуналарни зарур техник ҳолатда тутиб туриш учун ташкилотда унга хизмат кўрсатишни яхшилаш, режавий-олдини олувчи таъмирлашни қатъий бажарилиши ва таъмирлаш ишларининг сифатини яхшилаш бўйича чоралар кўрилиши лозим.

243. Асосий ускуналарни капитал ва жорий таъмирлаш ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ишларни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ишларни ташкил этиш лойиҳаларида таъмирлашни ўтказишга жавобгар шахслар, шунингдек таъмирлаш ишларининг тартиби ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминловчи чоралар кўрсатилиши лозим.

244. Ишлаётган цехларда пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилувчи таъмирлаш, қурилиш ва монтаж ишлари наряд-рухсатнома билан расмийлаштирилиши лозим.

245. Барча ҳолларда таъмирлаш ишларининг бажарилиш тартиби ва усуллари бош муҳандис ёки унинг ўринбосари билан келишилиши лозим.

246. Таъмирлаш ишлари бажариладиган ҳудуд тўсилган ҳолатда бўлиши ва у ерда хавфсизлик плакати ва белгилари ўрнатилган бўлиши лозим.

247. Таъмирлаш ишлари бошланишидан аввал, таъмирлашда банд бўлган барча ходимлар ишларни ташкил этиш лойиҳаси билан таништирилиши ва таъмирлаш ишларини бажариш пайтида хавфсизлик чораларига риоя қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказилиши лозим.

248. Таъмирлашда банд бўлган барча ходимлар белгиланган меъёрлар бўйича махсус кийим, пойабзал ва сақловчи мосламалар билан таъминланиши лозим.

249. Оғир юкларни жойидан кўчириш ишлари юк ортиш ва тушириш ишлари учун жавобгар шахсларнинг рухсати билан бажарилиши керак.

250. Носоз юк кўтарувчи механизм ва мосламаларда, шунингдек шаходатланган муддати тугаган механизмларда ишлаш тақиқланади.

251. Ечиб олинган агрегатлар, деталлар ва металл конструкциялар йиштириб қўйилиши лозим.

252. Таъмирлаш пайтида иш жойларини, йўлларни, йўлакларни ва зинапояларни турли нарсалар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

253. Таъмирлаш ишлари баландликда бажарилаётганда ҳавоза ва тахта тўшамаларнинг ўрнатилиши амалдаги қоидаларнинг талабига жавоб бериши лозим.

254. Ҳавоза ва тўшамаларида ишлаш учун эҳтиёт камарлари ва арқонларидан фойдаланишлари шарт. Эҳтиёт камарлари арқонининг маҳкамланиш жойи конструкцияларда аввалдан белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

255. Таъмирлаш ишлари бажарилаётган ҳудуддаги электр ўтказгичлари ёки ускуналарнинг кучланиш остида бўлган очиқ қисмлари олдиндан электр токидан ўчириб қўйилган ёки махсус изоляцияловчи воситалар билан ишончли химояланган бўлиши лозим.

256. Ходимларнинг қизиган ускунанинг ичига кирган ҳолда таъмирлаш ишларини олиб борилишига ускунани шамоллатиб, ичидаги газлар бутунлай чиқариб юборилгандан ва ҳавонинг ҳарорати кўпи билан 40°C гача пасайтирилгандан сўнг рухсат этилади.

257. Барча таъмирлаш ишлари цех, ташкилот раҳбари томонидан тайинланган шахсларнинг раҳбарлиги ва назорати остида бажарилиши лозим.

258. Материалларни ускунанинг иш майдончасига узатиш механизациялашган бўлиши ва улар тушиб кетмайдиган усулда бажарилиши лозим.

259. Таъмирлаш олиб борилаётган жой ва барча ўтиш жойлари белгиланган меъёрларга мувофиқ ёритилиши лозим.

260. Таъмирлаш тугагач, барча кераксиз конструкциялар, ускуналар, материаллар, асбоблар ва чиқиндилар цехдан олиб кетилиши, тўсиқлар, сақловчи мосламалар, блокировкалар ўз жойига ўрнатилиши лозим.

VI. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

261. Мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

262. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

VII. Якуний қоида

263. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси билан келишилган.

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2010 йил 19 ноябрь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2010 йил 19 ноябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2010 йил 19 ноябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2010 йил 19 ноябрь

*«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2010 йил 19 ноябрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги директори*

А. АБДУВАЛИЕВ

2010 йил 19 ноябрь

*«Саноатгеоконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи*

Б. ГУЛЯМОВ

2010 йил 19 ноябрь

*«Ёғ-мой ва озиқ-овқат
саноати» уюшмаси раиси*

Р. БЎРИЕВ

2010 йил 19 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

463 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1552-2

(2010 йил 19 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/8-сон қарори (рўйхат рақами 1552, 2006 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 11-сон, 89-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 ноябрь,
37/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил
13 ноябрдаги 37/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари
автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза
қилиш тўғрисида»ги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республи-

касининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Архив иши тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда), «Ахборотлаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 6-сон, 67-модда), «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда), «Банк сири тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2003 й., 19-сон, 174-модда), «Электрон рақамли имзо тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда) ва «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 112-модда) қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.».

2. 7-банднинг биринчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автоматлаштирилган банк тизимида маълумотлар киритиш ва ўзгартириш ваколатига эга бўлган ҳар бир масъул ходимнинг ишчи станциялари мазкур тизимга уланишга рухсат берувчи аппарат — дастурий қурилмалар билан жиҳозланиши лозим.».

3. Қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹.Тизимга уланишга рухсат берувчи аппарат — дастурий қурилмаларни бошқа шахсларга бериш ва қаровсиз қолдириш тақиқланади.».

4. 11-банд қуйидаги таҳрирдаги олтинчи хатбоҳи билан тўлдирилсин:

«Электрон тўлов тизими орқали жўнатилаётган ёки қабул қилинаётган барча электрон тўлов ҳужжатлари сўнгги базага эга антивирус дастури текширувидан ўтказилиши шарт.».

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори*

Х. МУҲИТДИНОВ

2010 йил 15 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**464 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирок-
чисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгар-
тириш ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-3*

(2010 йил 19 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.,
29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Рес-
публикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги ни-
зомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й.,
3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сон буйруғи
билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчи-
сининг ички назорати тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1899, 2009 йил
6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.,
6-сон, 66-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Бош директор

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 10 ноябрь,
2010-21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директорининг 2010 йил
10 ноябрдаги 2010-21-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг
ички назорати тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция маслаҳатчиси сифатидаги профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотда ички назоратни амалга ошириш ташкилот раҳбарига юклатилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Профессионал иштирокчининг назоратчиси:

мазкур Низом 2-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлардан;

қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлардан;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратини ташкил этиш ва амалга оширишга доир мажбуриятлардан ташқари ички назорат вазифаларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлмаган лавозим мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмас».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

465 Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1685-1*

(2010 йил 19 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 14 апрелдаги 11/3-сон қарори (рўйхат рақами 1685, 2007 йил 2 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 23-сон, 243-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 ноябрь,
37/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил
13 ноябрдаги 37/2-сонли қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив
ишларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Мукаддима қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Архив иши тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда), «Ахборотлаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 6-сон, 67-модда), «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда), «Банк сири тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 174-модда), «Электрон тўловлар тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 51-сон, 373-модда), «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2006 й., 14-сон, 112-модда) ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда) қонунларига мувофиқ тижорат банкларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош марказида (кейинги ўринларда АБМ деб юритилади) электрон архив ишларини юритиш, архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.»

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Тижорат банкларида қуйидаги электрон маълумотлар архивга олиниши лозим:

Электрон тўлов маълумотларининг базалари мавжуд бўлган Бош банкларда (филиалларда):

- а) банк амалиёти куни электрон маълумотларининг тўлиқ базаси;
- б) муддати тугаган шифрлаш ва электрон рақамли имзо калитлари;
- в) банк амалиёт куни дастурлари ва бошқа алоҳида фойдаланилаётган дастурлар мажмуаси;
- г) электрон тўлов ҳужжатларини қабул қилиш-узатиш жараёни бўйича электрон журнал-баённомалари;
- д) электрон почта орқали қабул қилинган ва узатилган барча ҳужжатлар;

е) банк филиаллари томонидан шифрланган ва шифрланмаган кўринишдаги барча кирувчи ва чиқувчи электрон тўлов ҳужжатлари;

ж) тижорат банкларининг кредит ва бошқа банк операциялари борасидаги маълумотлари.

Тижорат банкларининг бошқарув тизимида оид маълумотлари ҳам электрон архивга олинishi шарт.

Электрон тўлов маълумотларининг базалари мавжуд бўлмаган банк филиалларида:

а) муддати тугаган шифрлаш ва электрон рақамли имзо калитлари;

б) банк амалиёт куни дастурлари ва бошқа алоҳида фойдаланилаётган дастурлар мажмуаси;

в) электрон тўлов ҳужжатларини қабул қилиш-узатиш жараёни бўйича электрон журнал-баённомалари;

г) банк филиаллари томонидан шифрланган ва шифрланмаган кўринишдаги барча кирувчи ва чиқувчи электрон тўлов ҳужжатлари;

д) электрон почта орқали қабул қилинган ва узатилган барча ҳужжатлар.».

3. Низомнинг 9, 12, 14 ва 18-бандларидан «Электрон тўлов маълумотларининг базалари жойлашган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» Агентлиги билан келишилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

«Ўзархив» Агентлиги

Бош директори

А. АБДУЛЛАЕВ

2010 йил 15 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

466 «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фонд-
ларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида-
ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ки-
ритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1662-1*

(2010 йил 19 декабрдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-
лисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) ва «Қимматли қоғоз-
лар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси пала-
таларининг Ахборотномаси, 2008 йил, 7-сон, 354-модда) Ўзбекистон Респуб-
ликасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
нинг 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон «Инвестиция ва хусусийлаштириш
инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва
Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 14 де-
кабрдаги 102, 01/ККБФМНМ-18/07-сонли «Инвестиция ва хусусийлашти-
риш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1662, 2007 йил
13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил,
11-сон, 101-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 18 ноябрь,
99-сон

**Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси в.б.**

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 18 ноябрь,
01/11-18/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат мулкани
бошқариш давлат қўмитасининг
2010 йил 18 ноябрдаги 99,
01/11-18/10-сонли қарорига
ИЛОВА

**«Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция
фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига
киритиладиган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 24-модда)» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 7-сон, 354-модда)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 24-модда)» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 7-сон, 354-модда)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«инвестиция активларини ишончли бошқарувчи — ишончли бошқарувнинг белгиланган муддати мобайнида, унга эгалик қилиш учун топширилган ва ИФга ёки ХИФга тегишли бўлган инвестиция активларини (қимматли қоғозларни, шу жумладан, инвестиция активларини бошқариш жараёнида олинadиган қимматли қоғозларни ҳамда қимматли қоғозларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган ва инвестиция активларини бошқариш жараёнида олинadиган пул маблағларини) ИФнинг ёки ХИФнинг (ёки у кўрсатган шахснинг) манфаатларини кўзлаб бошқариш бўйича фаолиятни ўз номидан амалга оширувчи юридик шахсдир;»;

в) барча матн бўйича:

«бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчи» сўзлари билан тегишли келишикларда алмаштирилсин;

«депозитарий» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан тегишли келишикларда алмаштирилсин;

г) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. ИФлар ва ХИФларнинг инвестиция активларини ишончли бошқариш қонунчилик талабларига мувофиқ бўлган ҳамда ИФ ва ХИФнинг Кузатув кенгаши билан шартнома (контракт) тузган ёхуд қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тайинланган инвестиция активларини ишончли бошқарувчи томонидан амалга оширилади.»;

д) 54-бандда:

тўртинчи хатбошидан «шу жумладан, ИФ ёки ХИФ акцияларини ёки акциялар сертификатини, уларни биринчи жойлаштиришда тайёрлаш харажатлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«оммавий ахборот воситаларида ИФ ва ХИФнинг рекламасига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сонли «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Инвестиция фондлари тўғрисидаги низомда ўрнатилган миқдорда;»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилари мос равишда олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) 55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари тўғрисидаги низомнинг 51-бандига мувофиқ, ИФга ёки ХИФга кўрсатилган хизматлар учун инвестиция активларини ишончли бошқарувчини тақдирлаш ИФ ёки ХИФ томонидан асосий ва қўшимча (мукофотлаш) тақдирлаш шаклида тўланади. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчини асосий тақдирлаш чораклар бўйича тақсимлаган ҳолда бир йил учун қатъий суммада белгиланади. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси оладиган асосий тақдирлаш пулининг умумий миқдори ИФ ёки ХИФнинг соф активлари ўртача йиллик қийматининг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Кўрсатиб ўтилган суммага ИФни ёки ХИФни бошқариш тўғрисидаги шартнома (контракт)ни бажариш бўйича инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг барча харажатлари (уларни қоплаш) киритилади, бундан қонунчиликка мувофиқ ИФ ёки ХИФ ҳисобига олиб бориладиган харажатлар мустасно. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчисини қўшимча (мукофот пули) тақдирлаш шартнома (контракт)га биноан йил натижалари бўйича, бироқ ИФ ёки ХИФ акциядорларига йил мобайнида ҳисобланган дивидендлар ҳисобга олинган ҳолда ИФ ёки ХИФ соф активлари йиллик ўсиши суммасидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белги-

ланган молиялаштириш ставкаси бўйича соф активларни депозитларда жойлаштиришда юз берадиган ўсишдан 7 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.»;

ё) 58-банднинг бешинчи хатбошисидаги «аудиторнинг» сўзи «аудиторлик ташкилотининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 1 ва 3-иловаларда:

«Кўрсаткичлар номи» устунисида

«Бошқарувчи компанияни мукофотлаш» сўзлари «Инвестиция активларини ишончли бошқарувчини мукофотлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Бошқарувчи компанияни (мукофот) рағбатлантириш» сўзлари «Инвестиция активларини ишончли бошқарувчини (мукофот) рағбатлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Депозитарийни мукофотлаш» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини мукофотлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Бошқарувчи компания раиси» сўзлари «Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Депозитарий раиси» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси Бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 2, 5 ва 6-иловаларда:

«Бошқарувчи компания раиси» сўзлари «Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Депозитарий раиси» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси Бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 4-илова мазкур ўзгартиришлардаги иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

***Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси***

Ж. ИСМАИЛОВ

2010 йил 18 ноябрь

«Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритиладиган ўзгартиришларга ИЛОВА

Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомга 4-ИЛОВА

О-4-шакл

Инвестициялар портфелининг ҳолати тўғрисида
ҲИСОБОТ
(акциядорлик жамиятлари акциялари)

_____ га
(сана)

Фонднинг номи				КТУТ коди		Ҳисобот тақдим этилган сана									
Қимматли қоғоз тўғрисида маълумот				Эмитент ҳақида маълумот			Дивидендлар тарзидаги даромадлар					Ҳисоб маълумоти			
эмитент КТУТ коди	эмитент номи	акциялар тури (тоифаси)	эмитент акция- ларининг номинал қиймати	эмитент акция- ларининг умумий сони	фонд эгалик қилаётган акцияларнинг эмитент устав фондидаги фоизи	эмитент акциядор- лари умумий йиғилиши- нинг санаси	ҳисобланган дивидендлар суммаси (сўмда)		фондга тўланган дивидендлар суммаси (сўмда)		фондга тўланмаган дивидендлар суммаси қолдиги (сўмда)	портфел- даги акциялар сони	мазкур акциялар пакети- нинг баланс қиймати	пакетнинг бозор қиймати	баланс ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ (15 уст. – 14 уст.)
							битта акцияга	жами	санаси	суммаси					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

(Фонднинг Қўзғатув кенгаши раиси)

М.Ў.

(Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи раҳбари)

М.Ў.

(Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси раҳбари)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

467 Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2162*

(2010 йил 20 декабрдан кучга киради)

«Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 18-сон, 128-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 4-сон, 19-модда) ва 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 15 ноябрь,
103-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 15 ноябрь,
97-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия
вазирлигининг 2010 йил 15 ноябрдаги
103, 97-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг
валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори
ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 18-сон, 128-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 4-сон, 19-модда) ва 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ юқори ликвидли маҳсулотларга Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотилганда нархларнинг шаклланиш механизми-ни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорининг 1 ва 2-иловаларида келтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотувчи резидент ташкилотларига қўлланилади.

2. Юқори ликвидли маҳсулотларни сотиш электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимидаги биржа савдоларида валюта майдончасига қўйиш йўли билан амалга оширилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

нархлар котиловкаси — биржа савдоларининг бир куни учун Биржада ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган маҳсулотга ўртача нарх;

жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктураси — етакчи халқаро биржаларда шаклланадиган, шунингдек халқаро ахборот агентликлари томонидан эълон қилинадиган котиловкалар;

маҳсулот — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорининг 1 ва 2-иловаларида келтирилган юқори ликвидли маҳсулотлар, электр энергияси ва табиий газдан ташқари;

сотувчилар — маҳсулотни биржа савдоларига чиқариш ва сотишни амалга оширувчи резидент ташкилотлар;

харидорлар — биржа савдоларида маҳсулотни хорижий валютага солиб оладиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

II. Биржа савдоларида маҳсулотлар нархларининг шаклланиши

4. Биржа савдоларида маҳсулотнинг бошланғич нархи сотувчилар томонидан, ушбу маҳсулотнинг жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктурасидан келиб чиқиб, аниқланади.

5. Биржанинг валюта майдончасига қўйилган маҳсулотнинг жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктураси пасайган ҳолларда, шунингдек ушбу маҳсулотга талаб мавжуд бўлмаган ҳолларда, сотувчи бошланғич нархни кадамба-кадам пасайтириш механизмини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

6. Бошланғич нархни кадамба-кадам пасайтириш механизми, ўз қийматидан юқори нархларда қўйилган маҳсулотларга нисбатан, 5 кун кетма-кет савдоларга қўйилгандан сўнг талаб мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

7. Сотувчи нархни кадамба-кадам пасайтириш механизмини янги бошланғич нарх ўрнатиш йўли билан қўллайди. Бунда янги ўрнатиладиган бошланғич нарх маҳсулот қийматидан (пахта момиғи бўйича — нетто массага қайта ҳисоблаганда прејскурант улгуржи нархдан ва етказиб бериш, тушириш ва сақлаш харажатларидан, шу жумладан етказиб берувчиларнинг воситачилик ҳақидан) кам бўлмаслиги керак. Кейинги савдо кунда қўйиладиган маҳсулотнинг бошланғич нархи олдинги савдо кунда шаклланган нархлар котировкаси миқдорида аниқланади.

8. Бир савдо кун давомида маҳсулотга талабнинг мавжуд бўлмаганлиги Биржа бош маклери томонидан савдо кунда тасдиқланган сотувчи брокерининг ҳисоботи асосида тасдиқланади.

III. Ахборот таъминоти

9. Биржа котировка ҳайъати ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича биржада сотилган маҳсулот баҳоларининг биржа котировкаларини аниқлайди ва уларни ҳар ҳафта оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи саҳифаларида эълон қилиб боради.

IV. Якуний қоида

10. Мазкур Низом «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзқурилишматериаллари» АК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АИЧБ, «Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси билан келишилган.

«Ўзбекнефтгаз» МХК

Бошқаруви раиси

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2010 йил 12 ноябрь

«Ўзқурилишматериаллари» АК

Бошқаруви раиси

Э. АКРАМОВ

2010 йил 12 ноябрь

«Ўзкимёсаноат» ДАК

Бошқаруви раиси

Х. ШЕРМАТОВ

2010 йил 12 ноябрь

**«Олмалиқ тоғ-металлургия
комбинати» ОАЖ**

Бош директори

А. ФАРМАНОВ

2010 йил 12 ноябрь

«Ўзбеккўмир» ОАЖ

Бош директори

Х. ХУРСАНОВ

2010 йил 12 ноябрь

**«Ўзбекистон металлургия
комбинати» АИЧБ**

Бош директори

А. НУРУТДИНОВ

2010 йил 12 ноябрь

*«Тошкент рангли металл парчалари
ва резги-чиқитларини тайёрлаш
ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ
Бош директори*

Ю. ПАЛВАНОВ

2010 йил 12 ноябрь

*«Ўзпахтасаноат» уюшмаси
Бошқаруви раиси*

Ф. ОМОНОВ

2010 йил 12 ноябрь

*«Ўзбекистон Республикаси
товар-хом ашё биржаси»
ОАЖ Бошқаруви раиси*

Т. ТОХТАБАЕВ

2010 йил 12 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

468 Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқнома ва унга киритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 330-2*

(2010 йил 20 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 562-модда) ва 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 563-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирининг 1997 йил 6 февралдаги 23-сон буйруғи билан тасдиқланган Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқнома (рўйхат рақами 330, 1997 йил 17 апрель);

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 25 ноябрдаги 73-сон «Ижтимоий таъминот идоралари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 330-1, 2008 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 51-сон, 504-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 декабрь,
200-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2010 йил 4 декабрдан 10 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 4 декабрдаги 18, 107-сонли қарори.*

2010 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-2 (2010 йил 14 декабрдан кучга киради).

2. «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 6 ноябрдаги 36/3-сонли қарори.*

2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-1 (2010 йил 16 декабрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалари (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 30 ноябрдаги 101, 105, 16-сонли қарори.*

2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1415-1 (2010 йил 16 декабрдан кучга киради).

4. «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ банкининг 2010 йил 10 ноябрдаги 189-ҚҚ, 96, 233, 08-10/360-сонли қарори.*

2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1112-1 (2010 йил 16 декабрдан кучга киради).

5. «Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 ноябрдаги 192-Б-сонли буйруғи.*

2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2160 (2010 йил 16 декабрдан кучга киради).

6. «Тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 23 ноябрдаги 191-Б-сонли буйруғи.*

2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2161 (2010 йил 16 декабрдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 13 ноябрдаги 37/3-сонли қарори.*

2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1552-2 (2010 йил 19 декабрдан кучга киради).

8. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2010 йил 10 ноябрдаги 2010-21-сонли буйруғи.*

2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-3 (2010 йил 19 декабрдан кучга киради).

9. «Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 13 ноябрдаги 37/2-сонли қарори.*

2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1685-1 (2010 йил 19 декабрдан кучга киради).

10. «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 18 ноябрдаги 99, 01/11-18/10-сонли қарори.*

2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1662-1 (2010 йил 19 декабрдан кучга киради).

11. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакл-

лантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2010 йил 15 ноябрдаги 103, 97-сонли қарори.*

2010 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2162 (2010 йил 20 декабрдан кучга киради).

12. «Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқнома ва унга киритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 6 декабрдаги 200-Б-сонли буйруғи.*

2010 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 330-2 (2010 йил 20 декабрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га чекланган шартномавий нархлар ёки рентабелликнинг чекланган даражаларини ҳамда тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1415, 2004 йил 29 сентябрь).*

Адлия вазирининг 2010 йил 6 декабрдаги 283-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақида йўриқнома, 1-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазир томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 330, 1997 йил 17 апрель), (рўйхат рақами 330-1, 2008 йил 13 декабрь).*

Адлия вазирининг 2010 йил 10 декабрдаги 292-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Кўмир шахталарида ишлатишга мўлжалланган дизель юритмали транс-

порт машиналари учун хавфсизлик меъёрлари. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясини аэронавигацияси» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-93). Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича қўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*
фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;
базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг